

УДК:812.512.133.(039).81141

ТОПОНИМЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ ЛЕКСИКОГРАФИК ТАЛҚИНЛАР

Мўмин ТУРДИБЕКОВ

Профессор

филология фанлари доктори

Ренессанс таълим университети

Тошкент, Ўзбекистон

mominjonturdibekov@mail.ru

Аннотация

Ушбу мақолада топонимларнинг тилшуносликда ўрганилиши, уларнинг лексикографик талқини атрофлича таҳлилга тортилган. Шимолий Тожикистон топонимларининг лексикографик талқини монографик планда махсус ўрганилмаганлиги, баъзи топонимларнинг изоҳи Ўзбекистонда яратилган топонимик луғатлардагина экскурсив тарзда мавжудлиги фактик материаллар ёрдамида очиб берилган.

Таянч сўзлар: Топонимика, Хўжанд, Исфара, Сибир, Адрасмон, Гулхона, Говхона, Найман.

ЛЕКСИКОГРАФИЧЕСКИЕ ИНТЕРПРЕТАЦИИ, СВЯЗАННЫЕ С ТОПОНИМАМИ

Мумин ТУРДИБЕКОВ

Профессор

доктор филологических наук

Образовательный университет “Ренессанс”

Ташкент, Узбекистан

mominjonturdibekov@mail.ru

Аннотация

В данной статье тщательному анализу подвергается изучение топонимов в лингвистике, их лексикографической интерпретации. Лексикографическая интерпретация топонимов Северного Таджикистана отдельно не изучалась с монографической точки зрения, интерпретация некоторых топонимов раскрывается только в топонимических словарях, созданных в Узбекистане с использованием фактических материалов.

Ключевые слова: Топонимика, Хужанд, Исфара, Сибирь, Адрасмон, Гулхона, Говхона, Найман.

Ҳар қандай давр тилида унинг бутун борлиғини деярли ўзида акс эттира оладиган луғатларнинг ўрни ва аҳамияти беқиёс.

Тилшуносликнинг топонимика бўлими ҳам бошқа фан, соҳалар каби ўзининг лексикография тармоғига эга. Топонимик бирликларнинг лингвистик хусусиятлари тадқиқида, бу бирликларнинг лексикографик талқини ва

тавсифини ўз ичига олган луғатлар муҳим манба саналади. Топонимия масалаларининг лингвистик, географик жиҳатдан талқинида соҳа луғатларининг ўрни ва вазифасини топонимик луғатлар тарихига назар ташлаш орқали ҳам кузатиш мумкин.

Ўзбек луғатчилиги тарихида ономастик бирликларга бағишланган луғатлар ҳам алоҳида аҳамият касб этади, халқимиз тарихи, маданияти, тили ва адабиётида муҳим ўрин тутган жой номлари билан боғлиқ билим, ахборот ҳамда маълумотларнинг холис ва ҳаққоний талқини, тавсифини яратишнинг бош омили бўлиб хизмат қилади.

Ўзбек ономастик бирликлари, хусусан, топонимларнинг лексикографик талқини тарихи узоқ даврларга бориб тақалиши бизгача етиб келган луғатлар орқали ойдинлашади. Ўзбек топонимик бирликлар луғатининг илк намунаси сифатида “Девону луғотит турк” асари қайд қилиниши лозим.

Кузатувларимиз шундан далолат берадики, Ўзбекистонда бугунгача топонимик луғатларнинг қуйидаги турлари нашр этилган: 1) энциклопедик топонимик луғатлар; 2) тавсифий характердаги топонимик луғатлар; 3) таснифий характердаги топонимик луғатлар; 4) изоҳли топонимик луғатлар; 5) таъбир шаклидаги топонимларнинг изоҳли луғатлари. Кўринадики, ўзбек топонимлари бўйича турли луғат намуналари яратилган, уларнинг таснифи масаласи ҳам кун тартибида қайд қилинмоқда.

Топонимик луғатнинг изоҳли тури таснифланган луғатлар сирасида муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Шимолий Тожикистон топонимларининг кўпчилиги Ўзбекистон топонимик изоҳли луғатларда изоҳланган жой номлари билан шаклий ва маъновий, этимологик жиҳатдан ўзаро боғлиқ. Шу боис ўзбек топонимларининг лексикографик талқинларини Шимолий Тожикистон топонимларига ҳам тегишли лексикографик изоҳ сифатида қабул қилиш мумкин. Ана шу боғлиқлик ва алоқадорлик муносабатини эътиборга олган ҳолда ўзбек тили топонимларининг лексикографик изоҳи ва тавсифларига диққат қаратамиз.

Ўзбек тили топонимлари лексикографик талқини акс этган луғатлардан бири З.Дўсимов, Х.Эгамов ҳаммуаллифлигида тузилган “Жой номларининг қисқачи изоҳли луғати”дир. Луғат сўзбошисида географик номларнинг келиб чиқиши ҳақида муаллифлар қуйидагиларни қайд қилишади: “Ҳар бир жойнинг ўз тарихи бор. Улар халқ ҳаётининг турли томонларини ўзларида акс эттирадилар. Номлар кўпинча шу территорияда яшаган халқ ҳаёти, шарт-шароити билан боғлиқ ҳолда содир бўлади. ...Номларнинг аксарияти мазкур жойнинг географик тузилиши билан боғлиқ ҳолда вужудга келади. Масалан, Шаҳрисабз “кўк шаҳар”, “яшил шаҳар”, “боғи кўп шаҳар” деган маънони берса, Сибирь топоними “ботқоқлик”, “зах жой” демакдир. Бинобарин, шундай экан, географик номлар “ўлик” сўзлар эмас, балки замирида халқ ҳаёти, тарихи, тили ва шунга ўхшаш бошқа кўплаб сирларни асраётган хазинадир”. Бундан яна шу нарса аён бўладики, халқ тарихи ва қарашлари билан ҳамоҳанг бўлган жой номлари узоқ ўтмиш билан келажак даврни боғловчи “кўприк” вазифасини ҳам бажаради. Уларнинг лексикографик талқинини ўрганиш натижасида бунга янада амин бўламиз.

Ушбу луғат таркибида Шимолий Тожикистон топонимиясига оид айрим бирликларнинг изоҳланганини ҳам кузатиш мумкин: “... Шаҳар 1936 йилда *Хўжанд* деб аталган. *Хўжанд* Ўрта Осиёда энг қадимги шаҳарлардан биридир. Шаҳарни греклар эрамиздан аввалги VI-V асрлар *Кирополь* (хукмдор Кир шаҳри) ёки *Кир Эсхата* (Кирнинг чеккадаги мулки) номи билан атаган. Шарқ манбаларида шаҳар *Арус ал мамолик* номи билан тилга олинади. *Хўжанд* сўзининг келиб чиқиши ҳақида турли фикрлар бор. Шаҳар номи *Хўбчанд* (бир неча яхши кишилар шаҳри) ёки *Хўжакент* (хўжалар шаҳри) деб талқин қилинади. С.Қораев топонимни Хў, ху қисмини “шамол”, *жанд*, *канд ни эса* “шаҳар, қишлоқ”, яъни *Хўжанд* “шамол шаҳри” деб изоҳлайди [7; 70]. *Хўжанд* топоними форс тилидаги *жанд* “аскар, армия, истехком” сўзи билан алоқадор. Номнинг биринчи қисми Ху (Кўх) “тоғ” сўзининг фонетик жиҳатдан ўзгарган вариантыдир. Сўз охирида *ҳ* товушининг тушиши табиий ҳол.

Хўжанд аслида *кўх жанд* бўлиб, “тоғдаги аскарлар истехкоми” деган маънодадир”.

Шимолий Тожикистон топонимиясида Исфара топоними ҳам ўзига хос ўрнига эга. Исфаранинг лексикографик талқини қуйидаги тарзда ифодаланади: “Исфара – шаҳар. Исфара дарёси бўйида. Туркистон тизмаси ён бағирларида жойлашган. Топонимнинг этимологияси ҳали тўла текширилган эмас. Бизнингча, топонимга *асп* “от” сўзи асос бўлиши мумкин. Бундай фонетик ўзгариш эрон тилларига хос бўлган сўзларда кўп учрайди. Масалан, *Исфакон*, “*Аспакон*” (ҳарбий лагерь маъносида). Бинобарин, И с ф а р а “отлиқлар, сипоҳилар турадиган жой” бўлиши мумкин”. Яна бир топоним Адрасман. “*Адрасман* – шаҳар. Тожикистонда. Қозоғистонда – Олмаота ва Чимкент областларида ҳам бор. Адрасман даштда ўсадиган доривор ўсимлик (Паганум Хормала) ёки исирик номи билан боғлиқдир. Бундай номлар Республикамизнинг Хоразм ва Бухоро областларида ҳам учрайди”.

Шунингдек, луғат таркибида Шимолий Тожикистоннинг Гончи, Истаравшан, Исфара туманларидаги қишлоқ, гузар номлари сифатида *Найман* топонимига боғлиқ бўлган лексикографик изоҳларни ҳам кузатамиз: “Найман – қишлоқ. Андижон областининг Андижон ва Хўжаобод районларида. Найман – ўзбек уруғларидан бирининг номи. Рашидиддиннинг “Жомеъат таворих” асарига кўра найман қадимги кучли қабилалардан биридир. Унинг бир қанча тармоқлари бор. Найман сўзи мўғулча бўлиб, Н а й м а “саккиз” деган маънони билдиради. Н.Аристовнинг фикрича, н а й м а н сўзи Найма дарёси (Қатуннинг бир ирмоғи)нинг номи билан боғлиқ бўлиб, дарё номи асосида вужудга келган. Найман сўзи билан боғлиқ бўлган топонимлар Ўзбекистоннинг барча областлари территорияларида учрайди. Кўринадики, ушбу топоним маъноси уч хил: этноним, гидроним ва саккиз рақами билан боғлиқ ҳолда талқин қилинади, бироқ ягона хулоса мавжуд эмас. Ушбу топоним билан боғлиқ яна бир лексикографик изоҳга эътибор қаратамиз: “НАЙМАН – Фарғона вилоятининг Қувасой шаҳрига қарашли қишлоқ. Мазкур ном билан юритилган аҳоли масканлари жумҳуриятимизнинг бошқа

ерларида ҳам кўп учрайди. Найман – аслида этник гуруҳ номи бўлиб, у қабила сифатида ўзбек, қирғиз, козоқ, қорақалпоқ халқларининг таркибига кирган ва уларнинг миллат бўлиб ташкил топишида қатнашган. Биз тилга олган Қувасой атрофидаги Найман қишлоғи қирғизлар таркибидаги найман уруғи номи билан аталган. Дарҳақиқат, мазкур жойда қирғиз найманлари истиқомат қиладилар ва улар хўжанайман, бешнайман, бўзтўрғай найман, қоранайман деб номланувчи майда шаҳобчаларга бўлинадилар”. Айни изоҳ ҳам Найман топоними этимологик маъносини уруғ номи билан боғлиқ деб қарашга асос бўлади.

Шаҳристон тумани ҳудудидаги қишлоқ номи бўлган *Қайирма* топоними ўзбек топонимиясида ҳам фаол қўлланиши кузатилади. *Қайирма* топонимик бирлик билан шакл ва маъно жиҳатидан бир хиллик касб этади. Бу ҳолатга кузатувимиздаги луғат мақоласи орқали ҳам амин бўлиш мумкин: “*Қайирма* – қишлоқ. Андижон областининг Андижон районида. Топонимнинг асосини қайрилмоқ феъли билан эмас, *қ а й и р* “қайир ер, суғорма ер” сўзи билан боғлаш мумкин. *-ма* топонимик терминлар ясайди: учма, айланма...”.

Шимолий Тожикистон ҳудудидаги Жаббор Расулов туманида *Гулхона* деган қишлоқ жойлашган, *Гулхона* номи юқоридаги луғатда қайд қилинган *Говхона* топоними билан номи боғлиқ. Демак, Гулхона асли Говхона шаклида бўлган, ҳозирда фонетик ўзгариш билан Гулхона тарзида қайд қилинган. “*Говхона* – қишлоқ. Фарғона областининг Боғдод районида. Топонимни тожик тили асосида икки қисмга бўлиб изоҳлайдилар, яъни *гов* “сигир”, *хона* – “жой”. Бу топонимнинг ташқи кўриниши асосида вужудга келган “халқ этимологияси”дир. Аслида номнинг биринчи қисми **об** сўзининг фонетик вариантыдир. *Говхона* “сув сақлагич ёки сув омбори” деган маънони билдиради. Туркменистонда бу термин *ховдан* шаклида қўлланилади. Қашқадарё областидаги *Говхона*, *Говхонсой* топонимлари ҳам шу сўз билан алоқадор”. Бошқа бир лексикографик манбада ушбу топонимнинг ўзгача изоҳини кузатамиз: “*Говхона* – Фарғона вилояти Боғдод районидаги қишлоқ. Баъзилар бу номни сигирхона, молхона тарзида изоҳлайдилар. Номшунос

олим Тўра Нафасовнинг ёзишича, атаманинг биринчи қисмидаги гов сўзи тожик тилида “чуқур, теран, паст жой” маъноларида ҳам қўлланилган. Шунга кўра, Говхона номини “чуқур жойдаги қишлоқ”, “ёнидаги қишлоқларга нисбатан пастқамликка ўрнашган аҳоли турар жойи” деб изоҳлаш мумкин. Говхона номли қишлоқлар жумхуриятимизнинг бошқа ерларида ҳам учрайди. Қашқадарё вилоятининг Чироқчи, Шаҳрисабз районларида ҳам шу номдаги истиқомат жойлари мавжуд”. Қайд қилинганлардан маълум бўладики, Гулхона, Говхона топонимлари маъноси, келиб чиқиш тарихи юзасидан турли ёндашувлар мавжуд. Топонимларнинг маъноси, этимологияси бўйича тўғри ва холис хулосаларни чиқаришда ана шу каби луғатларнинг маълумотлари муҳим ўрин эгаллайди, лексикографик талқинларни ўзаро қиёслаш, солиштириш натижасида кўзланган мақсадга, топонимнинг асл моҳиятига яқинлашиш имконияти юзага келади.

Шимолий Тожикистон топонимиясини ўз таркибига олган Ўрта Осиё топонимлари ва уларнинг лексикографик талқини масалалари тадқиқи узок тарихга эга. Худуд топонимиясининг шаклланиши, топонимик бирликларнинг грамматик, топонимик, этимологик аспектини холис ва тўғри, аниқлик тамойилига мос тарзда текшириш, топонимик мавқеини белгилаш ва баҳолашда лексикографик манбаларнинг ўрни ва аҳамияти муҳим. Бугунги ўзбек топонимияси ва унинг луғатларини такомиллаштириш, лексикографик маҳсулотлар мазмуни ва таркибини бойитиш, уларнинг амалий фаолиятдаги самарадорлигини ошириш, тарихий маълумотларни холис ва ҳаққоний ёритилишига эришиш борасида Маҳмуд Кошғарий, Беруний, Наршахий, Рашидиддин, Шарафиддин Али Яздий, Бобур, Абдурахмон Самарқандий, Ҳофиз Таниш Бухорий, Абу Тоҳирхожа каби аждодларимизнинг илмий меросидан, “Худуд ал-олам” каби тарихий қўлёзмалардан, Ҳ.Ҳасановнинг “Географик номлар имлоси” (1962), “География терминлари луғати” (1964), “Ўрта Осиё жой номлари тарихидан” (1965), “Ер тили” (1977), “Сайёҳ олимлар” (1981), “Географик номлар сири” (1985); С.Қораевнинг “Географик номлар маъносини биласизми?” (1970), “Топонимика” (1970), “Географик

номлар маъноси” (1978), “Тошкент топонимлари” (1991), “Топонимия Узбекистана” (1991), “Ўзбекистон вилоятлари топонимлари” (2005), Т.Нафасовнинг “Жанубий Ўзбекистон топонимиясининг этнолингвистик анализи” (1985), “Ўзбекистон топонимларининг изоҳли луғати” (1988), “Ўзбек номномаси” (1993), Т.Нафасов, В.Нафасованинг “Ўзбек тили топонимларининг ўқув изоҳли луғати”, С.Наимовнинг “Бухоро вилояти жой номларининг қисқача изоҳли луғати” (1997), А.Отажонованинг “Хоразм топонимлари” (1997), Н.Охуновнинг “Тил ва жой номлари” (1988), “Топонимлар ва уларнинг номланиш хусусиятлари” (1989), “Жой номлари таъбири” (1994), З.Дўсимовнинг “Хоразм топонимлари” (1985), “Жой номларининг қисқача изоҳли луғати” (1977. Ҳаммуаллиф Х.Эгамов), “Жой номларининг сири” (2001. Ҳаммуаллиф М.Тиллаева), “Топонимика асослари” (2002. Ҳаммуаллиф М.Тиллаева), Б.Ўринбоевнинг “Самарқанд вилояти топонимларининг изоҳи” (1997), “Асрлардек барҳаёт номлар” (2003), Э.Бегматовнинг “Жой номлари – маънавият кўзгуси” (1998), Т.Эназаровнинг “Топонимларнинг этимологик тадқиқ қилишнинг илмий-назарий ва амалий-услубий асослари” (2001), Туркий содда топонимларнинг этимологик тадқиқи” (2002), Л.Каримованинг “Ўзбек тилида топонимларнинг ўрганилиши” (2002), А.Мухаммаджоновнинг “Қадимги Тошкент” (2002) каби илмий асар ва луғатларнинг илмий хулоса ва таҳлил натижаларидан, маълумот ва изоҳларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Шулар билан бирга, кўп жой номларининг, жумладан, Тожикистон жой номларининг изоҳли луғатини янгидан нашр қилиш замон талаби бўлиб қолмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Дўсимов З., Эгамов Х. Жой номларининг қисқача изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1977. – 176 б.
2. Кошғарий, Маҳмуд. Девону луғотит турк. I т. – Тошкент: Фан, 1960. – 500 б.

3. Кошғарий, Махмуд. Девону луғотит турк. II т. – Тошкент: Фан, 1961. – 428 б.
4. Кошғарий, Махмуд. Девону луғотит турк. III т. – Тошкент: Фан, 1963. – 464 б.
5. Каримов С.А., Бўриев С.Н. Ўзбек топонимикаси тараққиёт босқичида. – Тошкент: Фан, 2006. – 74 б.
6. Конкашпаев Г.К. Словарь казахских географических названий. – Алма-Ата, 1963. – 186 с.
7. Кораев С. Географик номлар маъносини биласизми? – Тошкент, 1970.
8. Махпиров В. Тюркские топонимы в “Дивану лугатит турк” // Советская тюркология, 1983.э – № 1. – С. 34.
9. Мурзаев Е.М. Словарь народных географических терминов. – Москва, 1984.
10. Нафасов Т. Ўзбекистон топонимларининг изоҳли луғати. – Тошкент, 1988.
11. Никонов В.А. Краткий топонимический словарь. Государства, города, моря реки, озера, острова, горы, исторические области. – Москва, 1980.
12. Охунов Н. Жой номлари таъбири. – Тошкент: Ўзбекистон, 1994. – 88 б.
13. Turdibekov M. Abulg‘oziy Bahodirxonning “Shajarayi turk” asari onomastikasi. Toshkent, Nodirabegim nashriyoti, 2020. – B. 56.
14. Turdibekov M. Shimoliy Tojikiston tarixiy toponimlari. Toshkent, Nodirabegim nashriyoti, 2022.
15. Ҳасанов Ҳ. Ўрта Осиё жой номлари тарихидан. – Тошкент: Фан, 1965.